



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 29» sentabr № 514

Toshkent sh.

### **“Яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёнини бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ–436-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ–436-сон қарори билан тасдиқланган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш бўйича ҳаракатлар режасининг 58-бандида:

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг амалдаги раҳбар ўринбосарларидан бирига “яшил” иқтисодиёт масалаларини мувофиқлаштириш вазифасини юклаш;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларида “яшил” иқтисодиёт масалалари билан шуғулланишга масъул бўлинмаларни белгилаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик бирлашмалари раҳбарлари **икки ҳафта муддатда** тегишли қарор ва/ёки буйруқлар асосида:

амалдаги раҳбар ўринбосарларидан бирига “яшил” иқтисодиёт масалаларини мувофиқлаштириш вазифаси юкланишини;

мавжуд штат бирликлари доирасида “яшил” иқтисодиёт масалалари билан шуғулланишга масъул бўлинма белгиланиши, шунингдек, унинг мақсад ва вазифаларини назарда тутувчи низоми тасдиқланишини таъминласин.

3. Белгилансинки, “яшил” иқтисодиёт масалаларини мувофиқлаштириш вазифаси юкланган раҳбар ўринбосарлари томонидан **қуйидаги чора-тадбирлар** амалга оширилади:

республика ижро этувчи ҳокимият органи ёки хўжалик бирлашмаси фаолиятига оид “яшил” иқтисодиёт масалаларини мувофиқлаштириш;

тегишли соҳа ва ишлаб чиқариш тармоқларининг табиий ресурслардан **барқарор ва самарали фойдаланиш** тамойилларига риоя этишини таъминлаш;

иқтисодиёт соҳасининг **табиий офатлар ва иқлим ўзгаришига** нисбатан барқарорлигини таъминлаш чораларини кўриш;

иқтисодиёт тармоқларининг **“яшил” ва кам углеродли ривожланишга қаратилган чора-тадбирларини** амалга ошириш, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия самарадор технологияларни жорий қилиш;

**“яшил” инновацияларни** жорий этиш ва ушбу соҳага инвестицияларни жалб қилиш чораларини кўриш;

тармоқ ташкилотларининг барқарор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида **“яшил” иқтисодиётга ўтишга қаратилган режаларини амалга ошириш ва ривожлантириш истиқболлари** бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

энергия ва ресурс самарадорлигини ошириш ҳамда кам чиқиндилли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида **илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқариш сектори ўртасида интеграцияни** таъминлаш;

узоқ муддатли истиқболда барқарор иш ўринларини яратиш учун **“яшил” иқтисодиётга ўтиш даврида ходимлар** малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек, уларнинг **“яшил” ўсиш бўйича салоҳиятини** ошириш ва **инсон капиталини ривожлантириш**.

4. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик бирлашмалари:

**бир ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда, **“яшил” иқтисодиёт фаолияти соҳасида уч йилга мўлжалланган “йўл харитаси”**ни тасдиқласин;

**хар йили 1 февралга қадар** “яшил” иқтисодиёт масалалари билан шуғулланишга масъул бўлинмаларнинг йиллик ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Жаҳон банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқиладиган Миллий иқлим ва ривожланиш ҳисоботи (Country Climate and Development Report – CCDR) яқунлангандан сўнг ҳисоботда келтирилган таҳлиллардан келиб чиқиб, тегишли вазирликлар ва идораларга кўрсатма ва тавсиялар юборилишини таъминласин;

**уч ой муддатда** манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорнинг ижроси доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган маълумот киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**